

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАҲАЛЛИЙ ҚОРАМОЛЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ВА НАСЛДОРЛИК СИФАТИНИ ЯХШИЛАШНИНГ АСОСИЙ  
ОМИЛЛАРИ**

**Турдиқулов Тоирқул**

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.

Гулистан давлат университети, Гулистан ш. e-mail: [tairkul@mail.ru](mailto:tairkul@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7342295>

**Аннотация.** Мазкур мақолада республикамиздаги мавжуд маҳаллий-абориген қорамолларининг наслдорлик сифатини яхшилаш, сут ва гўшт маҳсулдорлигини кўпайтириши натижалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Унга кўра Австрия давлатидан олиб келинган голштино-фриз зотига мансуб ҳамда Ўзбекистон наслчилек корхонасида насли уруғ олиши учун парварии қилинаётган бушуев зотли насли буқаларнинг музлатилган уруги билан фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик корхоналари ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларига қарашли маҳаллий сигирлар ректо-цервикал усулида сунъий уруғлантирилди.

Соф зотли урчитиши ва зотлараро чатиштириши йўли билан олинган биринчи авлод вакилларининг тирик вазни, ўсиши ва ривожланиши ўрганилди. Тажриба давомида олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, қиёсий таққосланди. Натижада фермер хўжаликлари ва аҳоли қарамогидаги сут ва гўшт маҳсулдорлиги паст бўлган маҳаллий-абориген сигирларини голштино-фриз зотли насли буқалар билан чатиштириши орқали олинган биринчи авлод дурагайлари, ўсиши ва ривожланиши суъатлари бўйича соф зотли бушуев ва маҳаллий-абориген тенгдошлирига нисбатан ишончли равишда устунликка эга эканлиги аниқланди.

Юқорида қайд этилганлардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда, маҳаллий қорамолларнинг наслдорлик сифатини яхшилаш, сут ва гўшт маҳсулдорлигини оширишида голштино-фриз зотли насли буқаларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Калит сўзлар:** абориген, голштино-фриз, дурагай, ректо-цервикал, сунъий уруғлантириши, сут, гўшт, ўсиши, ривожланиши.

**ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРОДУКТИВНОСТИ И  
УЛУЧШЕНИЯ ПЛЕМЕННЫХ КАЧЕСТВ МЕСТНОГО СКОТА РЕСПУБЛИКИ**

**Аннотация.** В данной статье приведены сведения о результатах повышения молочной и мясной продуктивности, а также улучшения племенных качеств местных-аборигенных пород скота. С этой целью, местных-аборигенных коров, принадлежащих фермерским хозяйствам, сельскохозяйственным предприятиям и личным подсобным хозяйствам населения, искусственно осеменено ректо-цервикальным методом замороженной спермой быков-производителей голштино-фризской породы, завезенных из Австрии, и бушуевской породы, выращенной в племенном предприятии Узбекистана.

Изучали живую массу, рост и развитие представителей первого поколения, полученных путем чистопородного разведения и межпородного скрещивания. Данные, полученные в ходе эксперимента, были проанализированы и сопоставлены. В результате установлено, что помеси первого поколения, полученные от скрещивания низкопродуктивных отечественных аборигенных коров с голштино-фризскими быками,

имеют достоверное превосходство над чистопородными бушуевскими и местными аборигенными сверстниками по показателям роста и развития.

Исходя из вышеизложенного, целесообразно использовать быков-производителей голштено-фризской породы для улучшения племенных качеств, повышения молочной и мясной продуктивности местного скота.

**Ключевые слова:** абориген, голштено-фриз, помеси, ректо-цервикал, искусственное осеменение, молоко, мясо, рост, развитие.

## **THE MAIN FAKTORS FOR INCREASING PRODUCTIVITY AND IMPROVING THE BREEDING QUALITIES OF LOCAL CATTLE OF THE REPUBLIC**

*Abstract. This article provides information on the results of increasing milk and meat productivity, as well as improving the breeding qualities of local aboriginal cattle. For this purpose, local-aboriginal cows belonging to farms, agricultural enterprises and personal subsidiary plots of the population were artificially inseminated by the recto-cervical method with frozen sperm of bulls-producers of the Holstein-Friesian breed imported from Austria, and the Bushuev breed grown in the breeding enterprise of Uzbekistan.*

We studied the live weight, growth and development of the representatives of the first generation, obtained by pure breeding and interbreeding. The data obtained during the experiment were analyzed and compared. As a result, it was found that first generation crossbreeds obtained from crossing low yielding domestic native cows with Holstein-Friesian bulls have a significant superiority over purebred Bushuev and local native peers in terms of growth and development.

Based on the foregoing, it is advisable to use bulls-producers of the Holstein-Friesian breed to improve breeding qualities, increase milk and meat productivity of local cattle.

**Key words:** aboriginal, Holstein-Friesian, crossbreeds, recto-cervical, artificially inseminated, milk, meat, growth, development.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида чорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этиш ишларини йўлга қўйиш топшириклари берилган. Мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, республикамиз худудларида чорвачилик фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, соҳанинг иқтисодий самараадорлигини юксалтириш, аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқ хўжалик корхоналари, фермерлар ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш ва наслдорлик сифатини яхшилаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг талаб даражасида эмаслигининг асосий сабаблари қаторига, фермер хўжаликлари ва аҳолининг ёрдамчи хўжаликларида парваришланаётган чорва молларининг маҳсулдорлиги ва зотдорлик сифатининг пастлигини кўрсатиш мумкин.

Чорвачиликда тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, ушбу мақсадлар учун давлат-тижорат банклари ҳамда хорижий инвесторлар томонидан узоқ муддатли имтиёзли

кредит маблағлари ажратилиши натижасида кейинги йилларда Германия, Австрия, Польша, Украина каби чорвачилиги ривожланган давлатлардан сут ва гўшт йўналишидаги сермаҳсул қорамол зотлари келтирилиб, улар учун механизациялаштирилган ва автоматизациялаштирилган замонавий комплекслар қурилмоқда. Сермаҳсул ҳайвонларнинг потенциал имкониятларидан тўғри ва унумли фойдаланилса, республикамиз аҳолисини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш билан бирга, аҳолининг турмуш даражасини кўтариб, саломатлигини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга эришиш мумкин.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Республикаизда боқилаётган қорамолларнинг наслдорлик сифатини яхшилаш ва маҳсулдорлигини оширишнинг қисқа ва иқтисодий жиҳатдан самарали йўлларидан бири, сигир ва ғуножинларни сермаҳсул, наслдорлик сифати бўйича текширилган буқаларнинг уруғлари билан сунъий урчишиш усулидан кенг фойдаланишдир.

Сунъий уруғлантириш усулининг афзаллик томонлари шундаки, табиий усулда бир бош буқа билан йил давомида 30-40 бош, кўпи билан 60-80 бош сигирлар урчишилса, сунъий уруғлантириш усулини қўллаганда 800-1000 бош сигирларни урчишига эришилади. Адабиёт маълумотларида келтиришича репродуктив қобилияти юқори бўлган сермаҳсул битта буқа билан йил давомида 20 000 бош она молларни сунъий уруғлантириш мумкин [ 2 ].

Сунъий уруғлантириш усули билан дунё бўйича ҳар йили 100 млн дан ортиқ сигирлар урчишилмоқда. Чехия, Словения, Дания, Финландия, Венгрия каби давлатларда 100 % сигирлар сунъий уруғлантириш усули билан урчишилади. Бу кўрсаткич Францияда 95 %, Германия ва Польшада 90 % ни ташкил этади. АҚШ да ушбу усулдан фойдаланиш натижасида кейинги 20 йил ичida сут ишлаб чиқариш ҳажми 30 % га ошиди [ 1 ].

Сунъий уруғлантириш усулидан кенг фойдаланиш натижасида қўй зотларини сифат жиҳатдан яхшилашга ва такомиллаштиришга эришилди. Жумладан, чорвачилик хўжаликларида сунъий уруғлантиришни оммавий қўлланилиши натижасида қисқа муддатда дағал жунли қўйлар майин ва яриммайин жунли қўй зотларига айлантирилди, мўйнали ва пўстинбоп қўйлар сони кескин қўпайтирилди, кавказ, олтой, ставрополь зотли майин жунли, гўшт-ёғ-жун йўналишидаги тожик зоти, республикаизда эса оҳангрон типидаги яриммайин жунли-гўштбоп қўйлар гурӯҳи яратилди [ 1, 4 ].

Сунъий уруғлантириш орқали ҳайвонларда трихономоз, бруцеллез, вибриоз каби кўплаб юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олишга эришилди. Бундай касалликлар оқибатида сигирлар узоқ йиллар давомида бепушт бўлиб қолади ва чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказади. Шунингдек, хўжалиқда ҳайвонларни урчиши мақсадида наслдорлик сифати текширилмаган, генотипи номаълум бўлган буқаларни йиллар давомида асраш зарурати қолмайди, натижада уларга ортиқча ем-ҳашак сарфлаш ва боқиши учун харажатлар ҳажми қисқаради. Селекция ишларида дурагайлик кучи ва гетерозислик эффиқтидан фойдаланиш имконияти кенгаяди, шу билан бирга инбридинг (яқин қариндош ҳайвонларни ўзаро урчилиши) ҳолатлари назорат қилиб борилади ва зарарли оқибатларининг олди олинади [ 3 ].


Республикаизнинг қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида боқилаётган чорва молларининг асосий қисмини маҳаллий – абориген зотлар ҳамда бушуев зотига мансуб қорамоллар ташкил

этади. Улар маҳаллий табиий-икълим шароитга яхши мослашганлиги, ҳар хил қон-паразит касалликларига чидамлилиги ва сутининг серёғлилиги билан ажралиб туради. Лекин, сут ва гўшт маҳсулдорлиги, вазни, ўсиш жадаллиги ва тез етиловчанлик каби муҳим селекция белгилари бўйича Европа давлатларидан келтирилган қора-ола, швиц, голштино-фриз зотларига нисбатан анча орқада қолади. Шуларни эътиборга олиб, қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида боқилаётган маҳаллий-абориген зотлари ва бушуев зотли қорамолларнинг сут ва гўшт маҳсулдорлигини кўпайтириш, тез етиловчанлик ва ўсиш суръатларини жадаллаштириш мақсадида дунёдаги сермаҳсул қорамол зотларидан фойдаланиш чоралари кўрилмоқда[ 3, 5 ].


**Тадқиқот обьекти ва методи.** Австрия давлатидан олиб келинган Стир, Гоксо, Гомер ва Рува лақабли наслли буқалар ҳамда Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги “Турон” фермер хўжалиги ва “Сайхун-Хўжа-Карсон сервис” чорвачилик фермасига қарашли бушуев зотли сигирлар ҳамда “Бирлашган” СИУ га қарашли “Бутунбой-Анорбой” зооветеринария пункти тасарруфидаги аҳолининг маҳаллий-абориген сигирларидан тажриба обьекти сифатида фойдаланилди.

Тажриба ишларини амалга оширишда Австрия давлатидан келтирилиб, Ўзбекистон наслчилик корхонасида тайёрланган голштино-фриз зотли сермаҳсул наслли буқаларнинг уруғи билан маҳаллий сигирлар ректо-цервикал усулида сунъий уруғлантирилди. Тажриба ҳайвонларини урчишида соғ зотли ва зотлараро чатиштириш усулларидан фойдаланилди (1-расм).

**Маҳаллий сигирлар**



**Четдан келтирилган наслли буқалар**



**I авлод дурагайлари**

**1-расм. Маҳаллий сигирларни хориждан келтирилган наслли буқалар билан чатиштириш схемаси.**

Ҳар хил зотга мансуб бўлган эркак ва ургочи ҳайвонларни ўзаро чатиштирилиши натижасида I авлод дурагайлари олинниб, уларнинг келиб чиқиши, туғилгандаги, 6 ва 9 ойликдаги тирик вазни, ўсиши ва ривожланиши ўрганилди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг тирик вазни, ҳар хил ўсиш ва ривожланиш даврларида олинган маълумотлар ўзаро ҳамда зот андозалари билан таққосланиб, тегишли хулоса чиқарилди ва амалиётда қўллаш учун тавсиялар берилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг мухокамаси.** Австрия давлатидан олиб келинган Стир, Гоксо, Гомер ва Рува лақабли наслли буқаларнинг келиб чиқиши, шажарасидаги аждодларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, Стир лақабли голштино-фриз зотига мансуб наслли буқанинг онасидан соғиб олинган сут миқдори 2-лактацияда 11562 кг, сутининг ёғлилиги 4,08 %, Гоксо лақабли, элита-рекорд синфига мансуб наслли буқа онасининг сут маҳсулдорлиги тегишлича - 14450 кг ва 3,87 %, швиц зотига мансуб Гомер лақабли наслли буқа онасининг сут маҳсулдорлиги 11059 кг, сутининг ёғлилиги 5,30 %, симментал зотига мансуб Рува лақабли наслли буқанинг онасидан 4-лактацияда соғиб олинган сут – 11579 кг, сутининг ёғлилиги – 4,35 % ни ташкил қилганлиги маълум бўлди.

Тажриба ҳайвонларини сунъий уруғлантириш натижалари таҳлил қилинганда, узоқ вақт давомида суюқ азотда -196 °C да сақланишига қарамасдан, музлатилган уруғларнинг сифати ва тухум хужайраларини оталантириш қобилияти пасаймаганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Тажриба ҳайвонларини сунъий уруғлантириш натижалари**

Хўжаликлар	Сунъий уруглантии- рилди(бош)	Шундан оталанди					
		биринчи қочиришда		иккинчи қочиришда		учинчи қочиришда	
		бош	%	бош	%	бош	%
“Турон” ф/х	126	86	68,2	38	30,2	2	1,6
Сайхун-Хўжа Карсон сервис	64	44	69	17	26,3	3	4,7
Аҳолининг ёрдамчи хўжалиги	79	60	75,9	12	15,2	7	8,9
Ж а м и	269	190	70,6	67	24,9	12	4,5

Жадвал маълумотларига кўра, “Турон” фермер хўжалигига қарашли чорвачилик фермасида тажриба давомида жами 126 бош сигирлар сунъий уруғлантирилиб, шулардан 86 боши (68,2 %) биринчи, 38 боши (30,2 %) иккинчи ва 2 боши (1,6 %) учинчи марта сунъий уруғлантиришда оталанди. “Сайхун-Хўжа-Карсон сервис” чорвачилик фермасида эса жами 64 бош сунъий уруғлантирилган сигирларнинг оталаниши тегишлича, 44 бош (69 %), 17 бош (26,4 %) ва 3 бош (4,7 %) ни ташкил қилди.

“Бутунбой-Анорбой” зооветеринария пунктида аҳолининг ёрдамчи хўжалигига тегишли бўлган жами 79 бош сигир ва ғуножинлар ректо-цервикал усулида сунъий уруғлантирилиб, шундан 60 боши (75,9 %) - биринчи урчишида, 12 боши (15,2 %) – иккинчи ва 7 боши (8,9 %) учинчи урчишида оталантиришга эришилди.

Сунъий уруғлантиришдан олинган дурагай авлодларнинг ўсиши ва ривожланиши кузатиб борилди. Унда бузоқларнинг тирик вазни, туғилгандан кейинги 6, ва 9 ойлик ёшидаги абсолют, бир суткалик ва нисбий ўсиш суръатлари назорат қилиб борилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Хар хил зот ва зотдорликка мансуб ёш молларнинг ўсиш ва ривожланиш динамикаси**

Зоти ва зотдорлиги	Жинси	Туғилгандаги вазни, кг	6-ойлигига				9-ойлигига			
			вазни, кг	абсолют ўсиши, г	% ўсиши, штсони	вазни, кг	абсолют ўсиши, г	% ўсиши, штсони	вазни, кг	абсолют ўсиши, г
Маҳаллий-абориген	♂	22,7	111	88	486	387	164	142	502	654
	♀	17,3	81	64	354	368	124	107	378	618
Соф зотли бушуев	♂	27,2	136	109	602	401	215	188	664	691
	♀	22,4	109	87	481	388	167	145	512	647
½ Голштино-фриз×абориген	♂	28,6	173	120	663	420	231	202	714	706
	♀	25,4	128	102	564	402	195	170	601	669

2-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, тажрибадаги ёш ҳайвонларнинг туғилгандан кейинги 6 ва 9 ойлик ўсиш даврларида энг юқори кўрсаткич голштинофриз×абориген биринчи авлод дурагайларида қайд этилди.

Мазкур гурухга мансуб эркак ва урғочи бузоқлар соф зотли бушуев тенгдошларига нисбатан дастлабки 6 ойлик ўсиш даврида тегишлича - 11 ва 15 кг абсолют, 61 ва 83 г суткалик, 19 ва 14 % нисбий ўсиши жадаллашганлиги аниқланди. Бу борада энг паст кўрсаткич маҳаллий-абориген эркак ва урғочи бузоқлар гурухида юз берди. Уларда туғилганидан 6 ойлик ўшигача бўлган давр оралиғига жами 88 кг абсолют, 486 г кундалик ва 387 % нисбий ўсиш кузатилиб, голштино-фриз×абориген дурагай тенгдошларидан - 26,7 %, соф зотли бушуев вакилларидан - 19,3 % орқада қолди.

Тажрибадаги бузоқлар тирик вазни, ўсиши ва ривожланиши бўйича сут йўналишидаги наслли қорамолларга қўйилган зот андозаси талабларига тўлиқ жавоб бера олди. Жумладан, “Бутунбой-Анорбой” зооветеринария пункти орқали аҳоли сигирларини сунъий уруғлантиришдан олинган буқачаларнинг 6 ойлик ёшидаги тирик вазни 163 кг, таначаларини - 147,1 кг ни ташкил қилиб, зот андозаси талабларига нисбатан тегишлича – 8,7 ва 13,1 % га оғир эканлиги маълум бўлди. Худди шундай кўрсаткич “Турон” фермер хўжалиги ҳам қайд этилди. Мазкур фермер хўжалиги бушуев зотли қорамолларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган наслчилик хўжалиги хисобланади ва хўжаликдаги она моллар шу зотга мансуб бўлган наслли буқаларнинг уруғи билан соф зотли урчишиш усулида кўпайтирилмоқда.

Бушуев зотли қорамоллар сут йўналишига ихтисослаштирилган бўлиб, ёш молларни парваришилашда шу йўналишига хос бўлган ҳайвонлар етилиб чиқишига алоҳида эътибор берилади. Бундай типга хос ҳайвонларнинг тана тузилиши чўзанчоқ ва учбурчаксимон шаклга эга бўлиши, териси юқа, силлиқ ва эластиксимон, суяклари енгил, ихчам, пишиқ ва серҳаракатчанлиги билан характерланади. Шу боисдан ёш молларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда, гавданинг айнан шу қисмларини ифодаловчи: яғрин баландлиги, гавданинг қия узунлиги, кўкрак айланаси каби ўлчамлари хисобга олинди. Ушбу тана қисмларини ўлчаш натижалари шуни кўрсатдики, “Турон” фермер хўжалигига туғилган бузоқлар, “Бутунбой-Анорбой” зооветеринария пункти томонидан аҳоли сигирларини чатиштириш натижасида олинган бузоқларга нисбатан бирмунча йириклик қиласада, гавдасининг узунлиги, кўкрак айланаси, кўкрак чуқурлиги ва ҳайвонларнинг суяқдорлигини белгиловчи – поча айланаси ўлчами бўйича нисбатан паст кўрсаткични ташкил қилди. Шу билан бирга “Турон” фермер хўжалигидаги буқачалар гуруҳида дастлабки 6 ойлик ўсиш даврида яғрин баландлиги, гавданинг қия узунлиги, кўкрак айланаси, кўкрак чуқурлиги ўлчамлари бўйича “Бутунбой-Анорбой” зооветпунктида олинган tengdoшларига нисбатан 2,1-14,1% жадал ўсганлиги кузатилди.

**Хуноса.** Тажриба натижалари бўйича олинган маълумотлар асосида қуйидаги хуносага келиш мумкин:

1. Қорамолчиликда сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, ҳайвонларнинг наслдорлик сифатини яхшилашда чет давлатлардан келтирилган, сермаҳсул наслии буқаларнинг ирсий қобилиятларидан унумли фойдаланган ҳолда, барча тоифадаги хўжаликларда ректо-цервикал усулида сунъий уруғлантиришни кенг жорий қилиш мақсадга мувофиқдир;

2. Хўжаликларда олиб борилган тажрибаларда ёш молларнинг дастлабки ўсиш ва ривожланиш даврларида голштино-фриз×абориген биринчи авлод дурагайларида абсолют, бир суткалик ва нисбий ўсиш суръатлари бўйича энг юқори кўрсаткич қайд этилганлиги, уларнинг тез етилувчанлиги ва гўштдорлик белгиларининг яхши ривожланганлигидан далолат беради.

#### REFERENCES

1. Артомонов В.А. – Биотехнология агропромышленному комплексу. М., “Наука”, 1989. -160 с.
2. Икрамов Т.Х. – Чорвачилик асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1996, 248 б.
3. Юсупов С.Ю. ва б. – Чорвачиликда музлатилган уруғдан фойдаланишнинг замонавий технологияси. Самарқанд, 2007, 22 б.
4. Турдиқулов Т., Эрназаров А. – Биотехнологик усуллар ёрдамида ҳайвонлар наслини яхшилаш ва биохилма-хиллигини ривожлантириш. // Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Гулистон, 2012, 70-72 б.
5. Турдиқулов Т. - Республикада гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг илмий асослари. //“География ва экология фанлар тизиминининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари”// Республика илмий-амалий конференция материаллари. Гулистон, 2022, 274-277 б.